



REFLECTION OF THE KHIVA KHANATE TAX SYSTEM IN ARCHIVAL SOURCES DATED THE SECOND HALF OF THE XIX CENTURY AND THE BEGINNING OF THE XX CENTURY

Aziza E. Abdukhalilova

PhD Student

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: baxtiyorovich91@bk.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: Tarkhan yarliks, tax notebooks, arzdosht, mubaraknama, avoriya and tavhija notebooks, arzdosht, zakat patta.

Received: 21.02.23

Accepted: 23.02.23

Published: 25.02.23

Abstract: This article is aimed at researching the role of archival sources in the study of tax relations of the Khiva Khanate of the late XIX and early XX centuries. The sources contained in the fund of the National Archive of Uzbekistan "archive of Khiva Khans" analyzed the tax system of the Kongrad's dynasty.

XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ ВА XX АСР БОШЛАРИГА ОИД АРХИВ МАНБАЛАРИДА ХИВА ХОНЛИГИ СОЛИҚ ТИЗИМИНИНГ АКС ЭТИШИ

Азиза Э. Абдухалилова

таянч докторант

Тошкент давлат шарқишунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: baxtiyorovich91@bk.ru

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Тархон ёрлиқлари, санок дафтарлари, арздошт, муборакномалар, аворижа ва тавҳижа дафтарлари, арздошт, муборакнома, нишон, закот паттаси

Аннотация: Ушбу мақола Хива хонлигининг XIX аср охири XX аср бошлари солиқ муносабатларини ўрганишда архив манбаларининг ўрни тадқиқ этишга қаратилган. Ўзбекистон Миллий архиви "Хива хонлари архиви" фондидан ўрин олган манбаларда Қўнғиротлар даври солиқ тизими таҳлил қилинди.

ОТРАЖЕНИЕ НАЛОГОВОЙ СИСТЕМЫ ХИВИНСКОГО ХАНСТВА В АРХИВНЫХ ИСТОЧНИКАХ, ДАТИРУЕМЫХ ВТОРОЙ ПОЛОВИНОЙ XIX ВЕКА И НАЧАЛОМ XX ВЕКА

Азиза Э. Абдухалилова

Аспирант

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

E-mail: baxtiyorovich91@bk.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Тарханные ярлыки, налоговые тетради, документы арздошт, мубаракнама, налоговые книги аворижа и тавхижа, патта (квитанция) закята.

Аннотация: Данная статья направлена на исследование роли архивных источников в изучении налоговых отношений Хивинского ханства конца XIX и начала XX веков. В источниках, содержащихся в фонде Национального архива Узбекистана “Архив хивинских ханов”, проанализирована налоговая система периода правления династии Кунградов.

КИРИШ

Ҳар қандай давлатнинг асоси унинг иқтисодий қудрати ва давлат бюджетининг мустаҳкамлиги билан боғлиқ. Бюджетнинг асосий қисми эса, солиқлар ташкил этади. Солиқлардан тушган маблағ давлат равнақига, ҳалқ фаровонлигига ҳизмат қилиб, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини белгилаб берувчи асосий омил ҳисобланади. Шу жиҳатдан, тарихий тадқиқотларда давлатлар сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тарихини ўрганишда солиқ тизими манбалар асосида таҳлил этиш муҳим саналади. Ўзбек давлатчилиқ тарихининг ажралмас қисми бўлган Хива хонлиги иқтисодий тарихини ёритишда архив манбаларининг ўрни беқиёс.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Хива хонлиги солиқ тарихини ўрганишда архив ҳужжатлардан тархон ёрлиқлари, арздошт, санок дафтарлари, закот патталари ва бошқалар ўзида солиқ, йиғим ва тўловлар номлари, турлари, солиқ бошқарувига оид маълумотлари ўзида мужассамлаштирганлиги билан ажралиб туради.

Улардан бири давлат бошқаруви ҳужжатларидан бўлган тархон ёрлиқлари хон фармони асосида ёрлиқдорга хонлиқдаги мавжуд солиқ ва тўловлардан озод этиш тўғрисидаги ҳужжат ҳисобланган ҳамда асосан солиқ турлари ва атамаларини ўзида акс этганлиги билан ҳарактерланади. Бу каби ҳужжатларда жариб, танобона, ипаклариндин мол, илчи ёки йўлчи, қўнолға, улоғ, сўйсун, борсбон, каштибон, қўруқбол, дарвозабон, қозу, қочу, бигар, ҳашар, бож, тамға, чаҳол ек, роҳдорлиқ, ҳазиначилик, амалат, олғот, дуд, равонот, қазон харжи, сари-мард, билежат сингари атамалар келтирилган [1:16].

АСОСИЙ ҚИСМ

ЎзМА фондида сақланаётган тархон ёрлиқларининг дастлабкиси Исфандиёрхон (1623-1643) даврига оид бўлса, сўнгилари Муҳаммад Аминхон (1845-1855) ҳукмронлик йилларига тўғри келади. Муҳаммад Раҳимхон I томонидан 1224/1810 йилда саййидлар ҳонадонига берилган ёрлиғида улардан қуйидаги солиқлар олинмасин деб ёзилган: “....ҳар ерда экин эксолар ва ниҳол тиксолар жариб, танобона, ипакларидан мол, илчи, йулчи, борувчи ва келувчи, қўраларидин улоғ, божбон, каштибон, қўруғбон, дарвозабон, тарозубон, қоровул ва катовул олмасунлар...” [2:18].

Хива хонлиги солиқ тизими тарихини ўрганишда энг муҳим манба хонлик девонхонасида юритилган солиқ тушуми ва сарфи қайд этиб борилган *санок дафтари* деб номланувчи ҳужжат ҳисобланади. Бундай турдаги ҳужжат аворижа дафтари ва тавжиҳа дафтарида иборат бўлган. Аворижа дафтарларида ер солиғи – солғут ҳамда даромад солиғи саналган закот йиғимларига оид маълумотлар сақланган.

Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган қуйидаги ҳужжат Хива хонлигида ер солиғи мулкдорнинг ер миқдори билан эмас, унинг ижтимоий қатламга мансублилиги билан белгиланган. “*Солғут чиқгонда зархарид мулк ерли кишилардин аъло авсот одно қилиб, ери қўп кишидин 3 пухта тилло, озроқ ерли кишидин 2 пухта тилло, ондин ҳам ери оз кишидин кишидин 1 пухта тилло олурлар ҳар йил 1 қозувчи олиб, ёф қозурурлар ўз коиноларидин маблағ ҳизматин буюрурлар 12 кун....*” [7:458]. Манбада келтирилган зархарид сотиш ва сотиб олиш мумкин бўлган ерга ишора қилинган ва солиқ тўловчиларни 3 тоифага бўлинганлиги тўғрисида маълумот берилган. Хива хонлиги девонхонаси томонидан юритилган санок дафтарларида масжид қавмлари солиқ тўловчи хўжаликлари ҳам аъло, авсот ва аднога бўлинган ҳолда рўйхатга олинган.

Бундан ташқари ғалла дафтарлари ҳам бўлганки, бу турдаги дафтарлар тадқиқи хонликда ер солиғи солғутдан ташқари маҳсулот билан тўланган ушр ҳам олинганлиги, йиғилган доннинг миқдори ва сарфланиши девонхонада қайд этиб борилганлиги, маҳсулот кўринишида топширилган солиқнинг миқдорини аниқлаш имконини беради. 1847 йилга тегишли ушр солиғи қайдномасида хоннинг ҳовлиларидан олинган ушр ва унинг сарфланишига оид маълумотлар жамланган. 1264 йил мажбу Рафанақ Гулбанбоғдин Наймандаги ҳовлидан 5600 ботмон ушр олинганлиги қайд этилган [3:401].

Бугунги кунда Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган Хива хонлигидаги асосий солиқлардан бири закоти миқдори ва уни йиғиш жараёни тўғрисида маълумот берувчи ҳужжатлар закоти тужжорчининг закоти қалъачи, закоти бухаржи, закоти тужжори, олаче тамоку закоти, закоти унғутчи, закоти бозорнолардан иборат эканлиги ва ундирилиши керак бўлган солиқ миқдори келтирилган [5:435].

Хива хонлигида шариат асосида нисобга тўлган чорвадан олинган закот *закоти савоим* номи билан аталган ва унинг юрт чорваси, сўландли, закот кесма сингари кўринишлари мавжуд бўлган [4:424].

Закот патталари ҳужжатларида закоти савоим олинганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд. Ҳужжат одатда берилган сана, ой, йил, ундан сўнг закотнинг қайси туридан қанча миқдорда ва закот берувчининг исми-шарифи ва ҳужжат расмийлаштирилганлигини англатувчи муҳр ва божмоннинг исм-шарифи келтирилган. Масалан, бу турдаги ҳажжатларнинг бирида, “Торихи моҳи жумодъи аввалнинг саккизида юз қўй учун закотин Муҳаммад Хожи Ниёздан олдуқ. Доҳил қилмасунлар деб анига хат битилди. 1383 йил. муҳр” [6:455].

Иш юритиш ҳужжатлари туркумига кирувчи *арздошт* ҳужжатлари ҳам Хива хонлиги Қўнғиротлар сулоласи даври солиқ тарихини ўрганишда муҳим манбалар сирасига киради. Улар мазмунан, хон ёки унинг юқори амалдорларига аҳоли томонидан бирор масала юзасидан илтимос, шикоят ва хабар беришдан иборат бўлган. Тадқиқотимиз доирасида ўрганилган ҳужжат мазмунидан англашиладики, бу турдаги ҳужжат солиқ тўлашга қийналган ёки имкони мавжуд бўлмаган ҳолларда юборилган ва аксарият ҳолларда ижобий ҳал этилган [8:489].

Хива хонлиги солиқ тизимида амал қилган яна бир турдаги ҳужжат нишон ёки нишона деб аталган ҳужжат бўлиб, мақомига кўра тархон ёрликларига тенглаштирилган. Аммо тархон ёрликларидан фарқли равишда бир умрга эмас, балки бир йилга маълум сабабларга кўра солиқ ва тўловдан озод қилганлигини англатган [9:138].

ХУЛОСА

Юқорида кўриб чиқилган ҳужжатлар таҳлили асосида ҳулоса қилишимиз мумкинки, Хива хонлиги Қўнғиротлар даври солиқ тизимини ўрганишда архив манбалари муҳим ўрин эгаллайди. Солиқ йиғиш жараёнида юритилган расмий иш ҳужжатлари хонлик иқтисодий ҳаётнинг тўлиқ манзарасини шакллантиришга ёрдам беради. Шунингдек, тадқиқот жараёнида ҳолислик ва ҳаққонийликни таъминловчи бирламчи манбалардан унумли фойдаланиш ишнинг илмий аҳамиятини оширади.

Хива хонлиги солиқ йиғиш жараёнида иштирок этадиган девонбеги, кўшбеги, меҳтар томонидан юритилган санок дафтарлари, солиқ турлари ва миқдори тўғрисида аниқ маълумотларни беради.

Хива хонлигида Қўнғиротлар даври солиқ тизимини тадқиқ этишда арздошт мазмунидagi ҳужжатлар аҳамиятли бўлиб, тизимда ижтимоий тамойиллар амал қилганлигидан дарак беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. ЎзР МА И. 125-фонд, 2-рўйхат, 16- йиғма жилд
2. ЎзР МА И.125-фонд, 2-рўйхат, 18-йиғма жилд
3. ЎзР МА И.125-фонд, 2-рўйхат, 401-йиғма жилд
4. ЎзР МА И. 125-фонд, 2-рўйхат, 424- йиғма жилд.
5. ЎзР МА И. 125-фонд, 2-рўйхат, 435- йиғма жилд.
6. ЎзР МА И. 125-фонд, 2-рўйхат, 455- йиғма жилд.
7. ЎзР МА И. 125-фонд, 2-рўйхат, 458- йиғма жилд.
8. ЎзР МА И. 125-фонд, 2-рўйхат, 489- йиғма жилд.
9. ЎзР МА И. 125-фонд, 1-рўйхат, 138- йиғма жилд.